

## Ўзбекистон Мисрни араб ва мусулмон оламидаги етакчи мамлакатлардан бири деб билади



Жорий йилнинг 18 февраль куни Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида «Ўзбекистон ва Миср: ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ўз ишини бошлади.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) директори ўринбосари Бобур Усманов сўзга чиқиб, икки давлат сиёсий муносабатларига алоҳида урғу берди.

Мутахассиснинг фикрича, Ўзбекистон ва Миср бир-биридан узоқ масофада жойлашганига қарамай, уларни тарихий ва маданий муштараклик, самимий дўстлик ришталари бирлаштириб туради. “Энг асосийси – бизнинг муносабатларимизда сиёсий тўсиқлар йўқлигидир”, - деди у.

Унинг сўзларига кўра, Миср – араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, мамлакатимиз мустақиллигини тан олган давлат сифатида тарихга кирган. Ўзбекистон Миср билан халқаро майдонда илк дипломатик алоқаларни йўлга қўйган даврдан бошлаб, то ҳозирги вақтга қадар ишончли ҳамкор эканлигини намоён этди.



“Мовароуннаҳр ва Миср диёрида яшаб ижод қилган буюк бобокалонларимизнинг ноёб илмий-маърифий мероси ва асарлари нафақат халқларимизнинг, балки бутун муслмон оламнинг бебаҳо бойлиги саналади”, – дея таъкидлади Усмонов.

“Буюк аждодимиз Аҳмад Фарғоний Мисрда яшаб, мисли кўрилмаган кашфиётларни амалга оширган. Қоҳира шаҳрида, Нил бўйида унинг шарафига ўрнатилган ҳайкал томонлар ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган”, – қўшимча қилди эксперт.

СМТИ директори ўринбосарининг фикрича, Ўзбекистон Мисрни нафақат Африка минтақасида ва халқаро майдондаги муҳим ҳамкори, балки араб ва муслмон оламидаги етакчи мамлакатлардан бири деб билади. Қайд этилишича, икки томонлама муносабатлар асрлар оша мустаҳкам дўстона алоқалар, чуқур ҳурмат ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланади.

Шунингдек, икки давлатнинг минтақавий ва глобал масалаларга ёндашувлари бир-бирига яқинлигига алоҳида урғу берилди. Таъкидланишича, Ўзбекистон Мисрнинг Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл ва дипломатик воситалар орқали ҳал этиш борасидаги амалий ва адолатли сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

“Миср ўз навбатида Ўзбекистоннинг Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ва Тошкентнинг дипломатик фаоллигини минтақада хавфсизликни таъминлашда муҳим омил деб билади”, – дея хулоса қилди мутахассис.

**Маълумот учун:** Давра суҳбати Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонаси томонидан Мисрнинг “Ҳивар” сиёсий ва ахборот тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда икки мамлакатнинг етакчи таҳлил ва илмий-тадқиқот тузилмаларининг 45 дан ортиқ етакчи

экспертлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари музокаралар доирасида Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболини атрофлича таҳлил қилиш ва ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаб олишни режалаштирган.

Учрашувда Ўзбекистон томонидан Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий Осиё халқаро институти, ТИВ ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази раҳбарлари ва мутахассислари қатнашмоқда.

**Манба**